Ушбу сонда:
2 БАҒРИКЕНГЛИК ВА ЧИН ИНСОНИЙЛИК НАМУНАСИ
3 МАФТУНКОР ГЎШАЛАР спортчи талабалар ихтиёрида
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар-жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.*

*Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар-жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII боб 27-моддаси.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 1 ноябр, шанба № 170 (1595)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темирйўли қурилишида*

## ШАРҚ ВА ҒАРБНИ БОҒЛОВЧИ ЙЎЛ

***Азалдан бу йўллардан Мағрибу Машриққа қанчадан-қанча савдо карвонлари қатнаган. Мустақиллик шарофати билан Буюк Ипак Йўли қайта тикланмоқда. Деҳқонобод ва Бойсун тоғликларини кесиб ўтадиган янги йўлни мамлакатимизнинг қон томирига қиёслаш мумкин.***



Асрий тоғларни ларзага келтириб, улкан экскаваторлар ишламоқда. Қояларни кесиб, янги ўзан очиш ғоят машаққатли иш. Бундай оғир юмушни меҳнатда чиниққан фидойи йўлсозлар уддабуронлик билан адо этмоқдалар.

Деҳқонобод тоғлари бағридаги «Тангимуш» участкасида иш қизғин. Ўқтин-ўқтин портлаш овозлари эшитилади.

– Тоғни кесиб, йўл очаяпмиз, – дейишди ҳамроҳларимиз бизга тушунча бериб. – Ҳозиргача 600 минг кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажарилди.

Ҳақиқатан ҳам шу кунларда темирйўл қурилиши ҳақиқий жасорат майдонига айланган. Бош пудратчи – «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компаниясининг йўл хўжалик бошқармаси, «Ўзбектрансқурилиш» ассоциациясининг «Трансаноатқурилиш», «Кўприкқурилиш» трестлари, «Ўзбекавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Республика энергетика вазирлигига қарашли «Электртармоққурилиш», «Ўзбекқишлоқэлектрқурилиш», «Ўзбекгазсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятларининг меҳнат жамоалари жалб этилган. Бош лойиҳага асосан темирйўл қурилишига 17 миллиард сўм маблағ ажратилган. Жорий йилнинг ўтган ойларида 4,5 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари амалга оширилди. Умумий узунлиги 219,9 километрни ташкил этувчи янги йўлнинг 56,8 километри Қашқадарё вилояти ҳудудидан ўтади. Айни пайтда «Тошгузар-Деҳқонобод», «Деҳқонобод-Бойсун», «Бойсун-Қумқўрғон» участкаларида иш қизғин. Йўлсозлар жасорати туфайли «пўлат излар» 35 километрга узайди, 3 та бекат қад кўтарди. Келгусида бекатлар сони 7 тага етказилади. Ўнлаб сув ўтказиш иншоотлари қурилади.

«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли темирйўл хўжалиги бошқармасидан хабар қилишларича, 214-йўл машина станцияси жамоаси ҳам фидойилик намуналарини кўрсатмоқда.



– Ҳар ойда 6-7 километр масофага темирйўл ётқизилаяпти, – дейди биз билан суҳбатда станция бошлиғи Эркин Ҳайриев. – Иш суръати ва сифатини таъминлашга жиддий эътибор бераяпмиз.

«Тошгузар-Деҳқонобод» участкасининг «Бўзахўр» разъезди қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Ҳудудда йил охиригача 28 километрлик янги ўзан бунёд этилади. Шу кунгача 5 та кўприк, 79 та сунъий сув ўтказиш иншооти қуриб битказилди. Яна 12 та кўприк ва 85 та сув ўтказиш иншоотларини қуриш мўлжалланган.

Зарбдор участкада ишлаётган 68-кўприк қурилиш бўлинмаси устаси Олимжон Бўстонов, тажрибали ускуналовчи Умидбек Афзалов, 214-йўл машина станцияси ишчилари Ғайрат Эшмуродов, Шариф Очилов каби фидойилар ҳар бир топшириқни ўз вақтида сифатли бажариб, ҳамкасбларга ўрнак бўлишаяпти.



Янги темирйўл қурилиши Қашқадарёнинг Ғузор, Деҳқонобод, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Қумқўрғон туманлари ҳаётида катта иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларга асос бўлади. Янгитдан қад кўтарган темирйўл қисмларини таъмирлаш цехлари, еттита бекат ва саккизта таркибни ўтказиб юборувчи бўлинмаларда 1200 га яқин киши иш билан машғул бўлади. Ҳар иккала вилоятнинг темирйўл ўтадиган ҳудуди қиёфаси янгича чирой касб этади. Биргина Деҳқонобод туманида калий заводи, йирик панелли темир-бетон ишлаб чиқарадиган корхона, қишлоқларда янги замонавий мактаблар, болалар боғчалари, савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қадр кўтаради.



Қурилиш баланд қирадирлар ва тоғ ёнбағирларидан иборат мураккаб шароитда олиб борилаяпти. Йўлнинг текис ва мустаҳкам, хавфсиз бўлиши амалга оширилаётган қурилиш-ускуналаш юмушларининг сифатига боғлиқ. Ўзанда меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг мақсади янги йўлни 2007 йилда ишга туширишдек улуғ ва шарафли эзгу ният билан банд.

Серқуёш диёримиз кенгликларида катта миқдордаги нефт, газ, кўмир конлари бор. Янги йўл қуриб битказилгач жанубий минтақанинг ер ости ва ер усти бойликларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очилади. Саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари барпо этилади. Энг муҳими, эски йўлнинг Туркманистон давлати ҳудудидан ўтадиган ўзани 200 километрга қисқаради. Келгусида бу магистралдан мамлакатимиз Тожикистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон сингари давлатларга ва улар орқали катта сув йўлига чиқиб, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

***Мамлакатимиз парламентида ўтган республика семинар-кенгаши Олий Мажлис Кенгашининг қарорига биноан шу йил ноябр-декабр ойларига тайинланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланди.***

Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг намояндалари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ (овул) фуқаролар йиғинларининг раислари, Олий Мажлис депутатлари, Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Семинар-кенгашни Олий Мажлис қўмитасининг раиси Э.Воҳидов олиб борди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг ролини ошириш тўғрисида маъруза қилди. Маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизни XXI аср бошларида ривожлантиришнинг илгари сурилган стратегик дастурининг амалга оширилиши муносабати билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўхталди. Дастур жамиятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга, ривожланган бозор иқтисодиётига йўналтирилган очиқ демократик давлат барпо этишнинг муҳим ва муқаррар шарти сифатида қонун устунлигини, шахс, оила ва жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган. Фуқароларнинг сиёсий онги ошиб, фаоллиги кучайиб боргани сари мамлакатда давлат тасарруфидаги бир қанча вазифалар нодавлат тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма босқич ўтказила боради.

Олий Мажлис Раиси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов чинакам демократик асосда, амалдаги қонун ҳужжатларига тўла ва қатъий мувофиқ тарзда ўтказилиши зарурлигини таъкидлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришлари ҳамда Конституцияда белгилаб қўйилган мустақил танлаш ҳуқуқини эмин-эркин амалга ошира олишлари учун қулай шароит яратиб бериши зарур. Сайлов кампаниясининг муваффақиятли ўтиши, уни мафкуравий жиҳатдан таъминлаш йўлида жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, барча даражадаги депутатлар, оммавий ахборот воситалари кўп иш қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова ўз сўзида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш, хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий турмушидаги роли ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловдаги иштироки масалаларига тўхталди.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари тўғрисида гапирди. Сайлов кампаниясини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кадрлар танлашда ёрдам кўрсатиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг бош инспектори Ё.Муҳамедов нутқида ёритиб берилди. Оммавий ахборот воситаларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги роли ҳақида семинар-кенгаш қатнашчилари парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимовнинг маърузасини тинглади.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Усмонов, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси бошқаруви раиси А.Гадойбоев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Миноваров, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Усмонов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Қ.Аъзамов сўзга чиқди. Улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказилиши аҳамиятини таъкидлаб, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида бу органларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигига, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, қонунларга қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш моҳиятига алоҳида урғу берди.

Семинар-кенгашда бўлғуси сайлов кампаниясига тайёргарлик йўсинида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш тажрибаси алмашинилди. Сўзга чиққанлар маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг янги шакл ва усуллари ҳақида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳамда миллий анъаналарни, урф-одат ва маданиятни тиклаш борасидаги ибратли ишлари ҳақида гапирди. Бир қанча долзарб масалалар жойларда қай тарзда ҳал этилаётганлиги юзасидан ўзаро фикр алмашди.

*Бор бўл, оқибат!*

## ТАДБИРКОР САХОВАТИ

***Машариф Қаландаров отаси ортидан далада эгатма-эгат юриб, деҳқончиликдан топилган нон билан вояга етган. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач туманда биринчилардан бўлиб фермерликка қўл урди.***

– Аввалига бироз чўчидим. Қаердадир янглишиб қўйсам шарманда бўлиб қолмайманми, деб ўйладим. Отамдан ўрганганларим иш берди, устозларим, дўстларим маслаҳатига қулоқ тутдим. Иккинчидан, туман ва вилоят ҳокимликларининг амалий ёрдамлари қад ростлашимга мадад бўлди, – дейди фермер.

Фаолиятни 10 гектар майдонда деҳқончилик ва чорвачиликдан бошлаган тиришқоқ фермер хўжалигида бугун 55 гектар экин майдони, 62 бош қорамол бор. Бу йил 12 гектар ерда ғўза парваришланди. Ҳосил ёмон бўлмади. Эрта баҳордан бери гектар ҳисобига 20 тоннадан маҳаллий ва 1,2 тоннадан минерал ўғит берилиб, беш маротаба ишлов берилгани далада мўл ҳосил бўлишини таъминлади. Натижада 15 октябргача режа бажарилди. Хўжалик аъзолари ҳозир 42 центнерлик марра учун меҳнат қилишмоқда.

М.Қаландаров раҳбарлик қилаётган «Наврўз» фермер хўжалиги 35 гектарлик буғдойзордан 55 центнердан ҳосил олди. Бундан салкам 14 миллион сўм даромад олинди. Дарвоқе, бу йил фермер яратган 2 гектар майдондаги янги боғ бу йил ҳосилга кирди. Фермер хўжалигининг 3 тонна гўшти шартнома асосида «Хоразм палас» меҳмонхонасига, 45 тонна сут Ғойбу сут заводига етказиб берилди. Бу борада салкам 23 миллион сўм даромад қилинди.

Фермер ўзининг ҳалол меҳнати эвазига элда обрў топди. Туман ва вилоят ҳокимликларининг бир қанча мақтов ёрлиқлари, «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишонига сазовор бўлди. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида эса «Шуҳрат» медалига муносиб кўрилди.

Мурувватли фермер шу йилнинг ўзида 4 миллион сўмдан ортиқ маблағни хайрия ишига сарфлади. Бу маблағни Ҳожихон Болтаев номли ёшлар хиёбонини бунёд этиш, туман ва вилоят миқёсидаги шифохоналарни таъмирлаш ҳамда «Умид ниҳоллари-2003» спорт мусобақаларини ўтказиш учун очилган махсус ҳисоб рақамларига ўтказиб берди. Шунингдек, кам даромадли оилаларга 10 тонна буғдой тарқатилди, 4 та кам таъминланган оила ҳомийликка олинди.

М.Қаландаровнинг режалари улкан, ниятлари пок. Бугун у фаолиятини кенгайтириш ҳаракатида. Туман ва вилоят марказида ферма дўконлари, новвойхона очиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш билан овора. Шу билан бирга, кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларни, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашдек хайрли ишларни янада кўпроқ амалга ошириш орзусида.

**Султон АВАЗОВ**

## КЎНГИЛЛИЛАР ҚАСАМЁДИ

Пойтахтда Америкадан мамлакатимизда ишлаш учун келган 47 нафар кўнгилли қасамёд қабул қилди. Бу тадбирни АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси, халқ, олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари ташкил этди.

Тадбирда АҚШнинг Ўзбекистондаги мувaққат ишлар вакили Дэвид Эпплтон, вазирликлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда кўнгиллилар тайёрлов даврида яшайдиган оилалар аъзолари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, 11 йил давомида 500 дан ортиқ Америка фуқароси мамлакатимизда кўнгилли сифатида ишлади ва 10 минг нафар талабани инглиз тилига ўқитди. Ҳозирги вақтда Тинчлик корпусининг етти мингдан ортиқ кўнгиллиси 70 мамлакатда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, таълим, кичик бизнесни ривожлантириш ва ОИТС тарқалишининг олдини олиш каби соҳаларда ёрдам кўрсатмоқда.

Бу галги қасамёд кўнгиллиларнинг 11 ҳафталик дастуролди тайёргарлиги ниҳояси бўлди. Тайёргарлик давомида улар ўзбек ва рус тиллари, маҳаллий маданиятни ўргандилар ҳамда ўз мутахассисликлари бўйича техник кўникмаларга эга бўлди. Энди кўнгиллилар республикамизнинг барча вилоятларида соғлиқни сақлаш тизимида ишлайди, ўрта мактабларнинг бошланғич синфларида инглиз тилидан дарс беришади.

## «ҚИЗИЛЧА» КУРАШ ЗАЛИ

Нурота туманидаги «Қизилча» қоракўлчилик ширкат хўжалиги марказида кураш зали ишга туширилди. Туман ҳокимлиги ҳамда ширкат хўжалиги ҳамкорликда барпо этган ушбу спорт иншооти болалар ихтиёрига берилди. Бунёдкорлик ишларида хўжаликнинг қурувчилари ҳамда маҳалла ёшлари фаоллик кўрсатди.

**(ЎзА)**

## МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ИЛК ЙИҒИЛИШИ

***Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ташкилот Хартиясига мувофиқ, у ШҲТнинг доимий фаолият юритувчи органи ҳисобланади.***

Мажлисда ШҲТга аъзо мамлакатлар - Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Хитой, Қозоғистон ва Қирғизистон махсус хизматлари вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятов раислик қилди.

Ишчан руҳ ва дўстона вазиятда ўтган мажлисда 2004 йил 1 январдан ШҲТ доимий органларининг фаолиятини йўлга қўйишни таъминлаш юзасидан ташкилотнинг 2003 йил 19 майда Москвада ўтган саммити келишувларини амалга оширишга оид масалалар кўриб чиқилди.

ШҲТ МАТТ кенгаши раиси лавозимига бир йил муддатга Қирғизистон вакили сайланди.

ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги битимга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси вакили В.Қосимов номзодини 2004-2006 йилларга МАТТ Ижроия қўмитаси директори лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

МАТТ кенгаши ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитасидаги тегишли лавозимларни тақсимлаш схемасини маъқуллади.

ШҲТ МАТТ доирасида аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари ва МАТТ Ижроия қўмитасининг асосий вазифалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ШҲТ МАТТ кенгашининг навбатдаги мажлисини 2004 йилнинг биринчи ярмида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

**(ЎзА)**

## АВТОДЎКОН ДАЛА КЕЗАДИ

***Пскент тумани матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли новвойхоналарда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми икки баравар оширилди. Ҳар куни олти тоннадан зиёд иссиқ нон теримчилар дастурхонига етказиб берилмоқда.***

Мавсум иштирокчиларига қулайлик яратиш мақсадида қирқта қишлоқ дўкони кучайтирилган иш тартибига ўтказилди. Улар ишни одатдагидан икки соат эртароқ бошлаб, икки соат кеч тугатяпти. Айни пайтда иккита автодўкон қатъий жадвал асосида хўжаликларга бориб, теримчи ва ҳашарчиларга савдо хизмати кўрсатмоқда.

Ҳозир вилоятда ана шундай 24 автодўкон дала кезмоқда. Улар мавсум бошидан буён пахтакорларга 50 миллион сўмлик кундалик эҳтиёж моллари етказиб берди.

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ШАХСИЙ МАКТУБ БЎЛСА, БАС

Газетамизнинг ўтган сонларида Корея Халқ Демократик Республикасининг ялпи оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш дастури тўғрисида қатор хабарлар эълон қилган эдик. Сўнгги марта Пхеньян АҚШ томонидан ҳужум хавфини йўққа чиқарадиган келишувга эришиш ва унинг БМТ томонидан назоратга олиниши ҳақида гап борган эди. Куни кеча эса Шимолий Корея яна бир талаб билан чиқди. Келишув ўрнига АҚШ президенти шахсий мактуб йўллаб, КХДР хавфсизлигини кафолатласа, шунинг ўзи айни пайтда етарли бўлади, деб ҳисобланмоқда. Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси шу ҳақда хабар берди.

### РОБЕРТСОННИНГ СЎНГГИ САФАРЛАРИ

НАТО бош котиби лорд Жорж Робертсон яқин орада ўз лавозимини тарк этади. Шу мақсадда у ўзининг «хайрлашув» сафарига чиқди,дейиш мумкин. Шимолий Атлантика уюшмаси мулоқотда бўладиган 40 тадан ортиқ мамлакатларнинг раҳбарлари билан учрашувлар кутилмоқда. «Мен сафарим давомида эски «совуқ уруш» пайтидаги тамойилларни йўққа чиқариб, янгича алоқаларни вужудга келтириш ниятидаман», деди бош котиб энг кейинги баёнотида. У истеъфога чиққанидан сўнг бу лавозимни Нидерландия Ташқи ишлар вазири Япу де Хоопу Схефферу эгаллаши кутилмоқда.

### АРКТИКАНИНГ ЭРИШИ ТЕЗЛАШМОҚДА

Дунё олимлари Арктика қитъасининг тезда эриётганлигини қайд қилмоқдалар. Метеорология бўйича Гамбург институти мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, сайёрамизда йиллик ҳарорат 1990 йилга нисбатан 1,4-5,8 даража зиёд бўлмоқда. Бунинг оқибатида саҳролар кенгайиши, ошиши, тошқинлар бўлиши, абадий музликнинг шимол томон чекиниши тезлашиши, дунё уммони суви кўтарилиши ва бошқа табиий жараёнлар бўлиши мумкин.

Британия олимларининг «ERS-1» ва «ERS-2» геофизик йўлдошлардан олган маълумотларига қараганда, радарлар ёрдамида Арктикада музларнинг юпқалашаётганлиги аниқланган. Сўнгги 13 йил ичида музликлар 40 фоизга «ориқлаганлар». Арктика ва Антарктида манзараларини тўлиқ аниқлаш учун келгуси йилда яна битта геофизик «Креосат» йўлдоши учирилади.

### РОЙ ХОРН БАРДОШЛИ ЭКАН

Бир неча кун бурун йўлбарс ўргатувчи америкалик Рой Хорннинг Лас-Вегас шаҳрида томоша кўрсатаётганида қийин аҳволга тушиб қолганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Ўшанда дарғазаб шер ўз эгасининг бошини ғажиб ташламоқчи бўлган эди. «Las Vegas Review-Journal» газетасининг хабарига қараганда, Р.Хорннинг саломатлиги хавф остида. Нейро жарроҳлар унинг бош суягининг бир қисмини кесиб ташладилар. Артист танасининг чап томони ишламаётир.

Аммо, Р.Хорн фикрлаш қобилиятини йўқотмади. Шифокорлар унинг тирик қолишига кафолат бермоқдалар.

**Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

